

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Геодезия ва ер кадастри кафедраси

**«Ердан фойдаланиш асослари» фанидан амалий машғулотларни
ўтказиш учун»**

МЕТОДИК КЎЛЛАНМА

Тошкент – 2009

«Ердан фойдаланиш асослари» фанидан амалий машғулотларни ўтказиш
учун услубий қўлланма»

Институт илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва чоп этишга
тавсия қилинган
(Баён № ____ 2008 й)

Тузувчилар : Бобожонов А. Р., доцент
 Абдурахманова И.К., катта ўқитувчи
 Рўзибоев С.Б., ассистент
Такризчи: Абдижалилов А.Ж., Тошкент вилояти ер ресурслари
 бошқармаси бошлиғи
 Шарипов С.Р., Ер тузиш ва ер муносабатлари ката ўқитувчиси

Услубий қўлланмада фан дастури бўйича келтирилган мавзуларни
ўрганиш учун семинар машғулотларини ўтказишнинг услубий, мавзулар, фан
бўйича талабалар томонидан мустақил равишда тайёрланадиган рисола
мавзулари келтирилган.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2009

Кириш

Республикамиз иқтисодиётида бозор муносабатларини тўла қарор топшириш ҳамда шу билан чамбарчас бўлган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш доирасида мамлакат миллий бойлиги бўлган ер майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланишга эришиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Шу нуктаи назардан ҳам кишлоқ ва сув хўжалиги учун олий таълим тизимида тайёрланаётган мутахассисларни ер ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ билимларни эгаллашлари уларни мутахассис сифатида шаклланишда, янгича фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлишларида ижобий рол ўйнайди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғриси»даги қонуни бўлажак мутахассисларни маълумот ишлаб чиқариш фан интеграцияси асосида касбийлик даражасини янада кўтаришга қаратилгандир, иқтисодчи бакалаврларни шакллантиришда ер ва ундан фойдаланиш масалалари билан талабаларни умумий тарзда таништирадиган «Ердан фойдаланиш асослари» фани ўзига хос ўринга эгадир. Тайёрланган ушбу услубий қўлланма айнан ушбу предметни ўқитишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мазкур услубий қўлланма фаннинг дастури асосида тайёрланган бўлиб сув хўжалиги иқтисоди ва менежменти йўналишларида тайёрланаётган бакалаврларга мўлжалланган. Қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, мамлакатда ер муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар ҳамда махсус адабиётлардан фойдаланилди. Унда фандан амалий семинар машғулотларини ўтказиш услубиятининг умумий масалалари, ҳар бир мавзунинг семинар режаси ушбу режага киритилган масалаларнинг қисқача мазмуни ҳамда фойдаланиладиган адабиётлар, шунингдек талабалар томонидан мустақил равишда тайёрланадиган рисоалар мавзулари берилган.

1. «Ердан фойдаланиш асослари» фанидан амалий семинар машғулотларини ўтказиш услубиятининг умумий масалалари

Жамият ривожланишининг бугунги бозор муносабатлари шароитида инсон омилига, алоҳида кенг ижтимоий-иқтисодий аҳамият берилмоқда, зеро мамлакат иқтисодиёти тармоқларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар, жумладан кишлоқ хўжалагида рўй бераётган аграр ўзгаришларнинг барчаси пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилгандир.

Инсон омилини фаоллаштиришда ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда аҳолини фаол қатнашишини таъминлашда бошқа тадбирлар билан бир қаторда уларни ер, ундан халқ хўжалиги

тармоқларида фойдаланиш, шунингдек ер муносабатлари тўғрисидаги билимлар билан қуроллантириш муҳим амалий аҳамият касб этади. Зеро ер инсон фаолиятининг асосини, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосий воситасини ташкил этади. Ердан фойдаланиш асослари фанининг олдига қўйилган вазифаларидан бири – бу бўлғуси иқтисодчи мутахассисларга ер ва ундан фойдаланиш бўйича назарий билим бериш, бу билимни уларнинг эътиқодига айлантириш, республикамизда олиб борилаётган ер ва аграр ислоҳатлар моҳияти ҳамда мазмунини талабалар онгига сингдиришдан иборатдир. Бунда талабаларга маъруза ўқиш билан бирга амалий семинар машғулотларини ташкил этиш муҳимдир.

Эътироф этиш жоизки, семинар машғулооти олий ўқув юртида ўқув тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, унда талабалар маърузада ва мустақил шуғулланиш даврида олган билимларини мустахкамлайдилар, кенгайтирадилар, бошқалар билан ўз билимларини ўртоқлашадилар, ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳимоя қилишни ўрганадилар, мустақил тафаккур қилиш малакасини орттирадилар ҳамда кўпчилик олдига чиқиб ўз фикрларини изхор қилишга ўрганадилар.

II. Семинар машғулотларининг мавзулари ва уларнинг қисқача мазмуни

1-Мавзу. Геодезия ва уни ердан фойдаланишдаги аҳамияти

Режа:

- 1. Геодезия фани ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.**
- 2. Ернинг умумий шакли ва ўлчамлари.**
- 3. Харита, план, профил ва аэросурат тўғрисида тушунча.**
- 4. Топографик карта ва планлар.**
- 5. Карта ва планларни тузишда фойдаланиладиган геодезик асбоблар.**
- 6. Қишлоқ хўжалик планлари ва улар устида ишлаш.**

Адабиётлар:

1. Мубораков Х.М., Охунов З.Д., Пармонов Н.Х. «Инженерлик геодезияси». Тошкент. ТИҚХМИИ. 1990 й.
2. Назиров А.Н. «Геодезия», Тошкент. Ўқитувчи. 1984 й.
3. Нурматов Э.Х., Ўтанов У. «Геодезия». Тошкент. Ўзбекистон. 2003 й.
4. Нурматов Э.Ҳ., Мусаев И.М. «Геодезия ва картографиядан русча ва ўзбекча атамалар». Тошкент. ТИҚХМИИ. 2000 й.

Геодезия - Ер сирти ёки унинг айрим қисмлари шакли ва ўлчамларини жойда ўлчаш, план, карта, профиллар тузиш орқали ўрганиш ҳамда амалий масалаларни ечиш учун олиб бориладигон махсус ўлчамлар усулларини еритиб берувчи фандир.

Ўзининг ахамиятига ва тадқиқ қилиш соҳаларига қараб геодезия, олий геодезия, космик геодезия, амалий геодезия, фототопография, картография ва бошқа мустақил фанларга бўлиниди. Илмий тадқиқот масалаларида ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун геодезик ўлчамлар ер ости ва сув остида, дарё, кўллар ва денгизлар тубида олиб борилади. Биринчи холда геодезия маркшейдерия хизматида таалуқли бўлса, иккинчисида сув ости геодезияси дейилади. Амалий геодезия турли-туман инженерлик иншоотларини изланиш, лойиҳалаш, қуриш, ишлатиш ва технологик жихозларнинг монтажида қўлланилади.

Геодезия жуда кўп муҳим халқ хўжалиги масалаларини хал қилишда қўлланилади. Масалан, карта, план профиллар, сув йиғадиган майдонлар чегараларини аниқлаш, уларни юзаларини ҳисоблаш, сув омборлари, тўғон, кўприк, йўл ва бошқа қуриладиган жойлар ўрнини белгилаш, мақбуллигини ҳар томонлама таҳлил қилиш, жисмлар ҳажмини ҳисоблаш, суғориш ва зах қочириш билан боғлиқ гидротехник иншоотларни шунингдек шаҳар ва қишлоқ қурилиши иншоотларини қидирув, лойиҳалаш. Қуриш ва ишлатиш учун нихоятда зарурдир.

Ернинг шакли деб, қуруқликда унинг каттиқ қобиғини табиий сирти, океанлар ва денгизлар ҳудудида эса уларнинг тини ҳолатига сатҳига айтилади.

Карта, план, профилларни тайёрлашда жойни тасвирга олиш (съемка) муҳим ахамиятига эгадир. Жойнинг картасини ҳар бир масштабда тузиш мақсадида бажариладиган геодезик ўлчамлар мажмуи съемка дейилади. Жойнинг плани деб, унинг проекциясини горизантал текисликда ўхшаш ва кичрайтирилган қўринишдаги тасвирига айтилади. Бутун ер сиртини ва унинг катта қисмларини сатхий сирт эгрилини ҳисобга олиб текисликда умумлаштириб кичрайтирилган тасвири профил дейилади.

Карта ва планларни тузишда қатор геодезик асбоблардан, жумладан, теодолит, нивелир, пўлат лента, рейка, мензула, GPS тизимларини ва бошқалардан кенг фойдаланилади.

2-Мавзу. Ердан фойдаланиш ва ер муносабатлари тўғрисида тушунча.

Режа:

1. Ердан фойдаланиш тушунчаси.
2. Ер муносабатларининг умумий мазмуни ва моҳияти.
3. Ер муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш .
4. Ер ислоҳати. Унинг мазмуни ва моҳияти.

5. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ер ислоҳатларнинг асосий йўналишлари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (асосий қонуни). Тошкент, 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд. Тошкент. Адолат. 1998 й.
3. Бобожонов А.Р., Рўзиев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари. Тошкент. ТИМИ. 2006 й.

Ер иқтисодиёти тармоқларининг барча жабхаларида корхона, муассаса ва ташкилотлар шунингдек аҳолини жойлаштириш ўрни сифатида ёки турли туман маҳсулотлар етиштиришда фойдаланилади.

Ер муносабатлари - бу ердан фойдаланиш унга эгалик қилиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Ер муносабатларини ҳуқуқий жихатдан тартибга солиш давлат ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган махсус қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар билан амалга оширилади, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (асосий қонуни). Ер кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вилоят, туман ҳокимиятларининг қарорлари ва бошқалар.

Ер ислоҳати – бу бозор иқтисодиёти характериға мос келувчи янги ер муносабатларига ўтишни мажмуали тарзда амалга оширишни таъминлашға йўналтирилган ҳуқуқий, техник, иқтисодий ва ташкилий тадбирлар йиғиндисидир . Яъни ер ислоҳати - бу давлат томонидан тартибга солинувчи ва назорат қилинувчи , унинг ер сиёсатини ўзида мужассамлаштирувчи шаклан ва мазмунан янги ер тузишға ўтиш жараёнидир.

Ер ислоҳати даврида қуйидаги масалалар ечилади:

- ерга бўлган давлат мулкчилиги тугатилади;
- фуқароларни ер олишға бўлган ҳуқуқлари тикланади;
- бозор шаклидаги ер муносабатларига ўтилади;
- қонунда белгиланган ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар барча шакллари эркин ривожлантириш таъминланади;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича устивор йўналишлар таъминланади.

3-Мавзу. Ўзбекистонда ер муносабатлари ва ердан фойдаланишни тарихий шаклланиши ва ривожланиши

Режа:

1. Узоқ ўтмишда Ўзбекистонда ер муносабатларини шаклланиши ва ривожланиши.
2. Амир Темур давлатидаги ер муносабатлари ва ердан фойдаланишнинг хусусиятлари.
3. Ўзбекистондаги мавжуд ер муносабатлари XIX асрнинг 2-ярмига келиб ўзгариши.
4. Октябр инқилоби натижасида ер муносабатларида рўй берган туб ўзгаришлар.
5. XX аср 30 йилларда ер муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари.
6. Иккинчи жаҳон урушидан сўнги даврларда ер муносабатлари ва ердан фойдаланиш.
7. Ўтган асрнинг 80-йилларида ер муносабатлари ва ердан фойдаланиш.
8. Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги ер муносабатлари ва ердан фойдаланишнинг ўзига хослиги.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (асосий қонуни). Тошент. 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд. Тошкент. Адолат. 1998 й.
3. Бобожонов А.Р., Рўзиев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари. Тошкент. ТИМИ. 2006 й.

Ўрта Осиёда хусусан бугунги Ўзбекистон ҳудудида мингларча йил олдин бўлганидек XIX асрнинг ўрталаригача бутун ер шарига кўра давлатга, мазкур ҳолда хонга қарашли бўлиб аҳолига фойдаланиш учун турли шартлар билан берилган. Ушбу даврларда қарор топган меъёрларга мувофиқ ер учта асосий тоифага бўлинган:

- 1) давлат ерлари (амлок);
- 2) эгалик ерлари (мулк);
- 3) вақф ерлари, яъни диний ва хайрия муассасалари ерлари.

Амир Темур даврида ер муносабатлари ва ердан фойдаланишни тартибга солиш давлат аҳамиятига молик вазифалардан ҳисобланган. Аммо ердан фойдаланишнинг аниқ тузилган меъёрлари ва пухта ташкил этилган муассасаларининг йўқлиги ҳамда ер эгалиги ва ердан фойдаланишни ҳуқуқий

жиҳатдан тартибга солувчи аниқ бир шартнома хужжатларининг бўлмаганлиги ер-сув муносабатларида катта чалкашликларга олиб келган .

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонни Россия томонидан босиб олиниши ва у ердан рус деҳқонларини кўчириб олиб келиниши натижасида ер муносабатлари Россия империясининг қонун ва қарорлари асосида тартибга солина бошлади , катта хажмдаги ер тузиш, ерларни хариталаш ишлари амалга оширилди.

Октябр инқилоби натижасида қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги Декретга биноан ерга, унинг остига, ўрмон ва сувга бўлган турли мулкчилик ҳуқуқлари тугатилди ва яқка давлат ҳокимлик ҳуқуқи тикланди.

XX асрнинг 30-йилларида вужудга келган ер муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки бу даврда мамлакатда шахсий деҳқон хўжаликлари режали тарзда тугатилиб ёппасига коллективлаштириш амалга оширилди. Колхозлар ва совхозлар тузилди. Натижада ердан фойдаланиш характери ўзгарди.

Урушдан кейинги даврларда асосан ер муносабатларида туб ўзгаришлар рўй берди . Жумладан, 1954-61 йилларда катта майдонларда қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Бу ҳудудларда катта миқдорда янги совхозлар ташкил этилди, колхозлар йириклаштирилди. Буларнинг барчаси жуда катта ҳажмлардаги ер тузиш ишларини бажарилишига замин бўлди.

Деҳқончилик маданиятини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш зарурияти ўтган асрнинг 80-йилларида бузилган алмашлаб экишларни тиклаш, эрозияга қарши тадбирлани жорий этиш, алмашлаб экишларни йириклаштириш каби қатор ер тузиш ишларини бажариш заруриятини туғдирди.

80-йиллар охирида юзага келган буйруқбозлик, иқтисодиётнинг умумий танглиги туб ислоҳатларни, жумладан ер муносабатлари соҳасида ҳам ислоҳатлар ўтказишга зарурият туғдирди.

4-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди ва ундан фойдаланиш.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг ягона ер фонди – мамлакат миллий бойлигидир.
2. Ер фондининг асосий тоифалари.
3. Қишлоқ хўжалик ерлари уларнинг турлари ва фойдаланиш.
4. Ер турлари ва уларнинг аҳамияти
5. Аҳоли пунктлари ерлари, улардан фойдаланиш
6. Бошқа тоифа ерлари, улардан фойдаланиш

Адабиётлар

1 . Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд. Т , Адолат, 1998

2.Бобажонов А.Р Рўзибоев С.Б Абдурахмонова И.К Ердан фойдаланиш асослари Т,ТИМИ,2006.

Ўзбекистон Республикасида ер-давлат мулки-умумий бойликларидир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер фонди фойдаланиш мақсадларига қараб қуйдаги тоифаларга бўлинади:

- 1) Қишлоқ ҳўжалик ерлари.
- 2) Аҳоли пункт ерлари.
- 3) Саноат, транспорт, алоқа, муҳофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.
- 4) Табиатни муҳофаза қилиш соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар:
- 5) Тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар.
- 6) Ўрмон фонди ерлари.
- 7) Сув фонди ерлари.
- 8) Заҳира ерлар.

Қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ерлар қишлоқ ҳўжалик ерлари деб эъитироф этади. Бу ерлар дойимий ёки вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш мақсадларида турли-туман қишлоқ ҳўжалик корхоналарига, фермер ҳўжаликларининг ташкил этиш ва юритиш учун фуқороларга берилади.

Шаҳар ва посолка доирасидаги барча ерлар шаҳарлар ва пасолкалар ерларига киради. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига ер тузиш таркибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар дойирасидаги ҳамма ерлар киради.

Олиб борадиган ер ҳисоби ишларининг натижалари кўрсатдик, республикамиздаги суғориладиган майдон умумий ер майдонинг 0,3 фойзини ташкил этади. Ушбу майдондан олинаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 95,0 фойзини ташкил этади.

5-Мавзу. Давлат ер кадастри ва ер мониторинги, уларнинг мазмуни ва аҳамияти.

Режа:

1. Ер кадастри-иктисодиёт тармоқларида юритиладиган ҳисобининг таркибий қисми сифатида.

2. Давлат ер кадастрининг мазмуни, моҳияти ва турлари.

3. Давлат ер кадастрининг таркибий қисимлари.

4. Давлат ер кадастрининг асосий тамойилари ва аҳамияти.

5.

Ер мониторингининг мазмуни ва моҳияти.

6. Ер маниторингининг аҳамияти.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд Т:ТИМИ,1998.
2. Қурбонов Э.Қ., Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р. Ер кадастри асослари. Т,ТТЕСИ,1999
3. Бобожонов А.Р., Рўзибоев С.Б., Абдураҳмонова И.К. Ердан фойдаланишнинг асослари.Т: ТИМИ,2006

Ҳисоб-китоб ижтимоий ҳаётининг асосини ташкил этади. Моддий ишлаб чиқариш жараёни ишчи кучларини, ишлаб чиқариш воситаларини, ҳайдаладиган ерларни, ҳом-ашёларни материаларини ҳисоб қилмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам ҳисоб-китоб қилишлик жамияти ривожланиш асосини ташкил этади. Ер кадастри ҳам айнан ушбу ҳисоб-китоблар тизимининг таркибий қисми сифатида пайдо бўлган. Давлат ер кадастри-ерларнинг ҳуқуқий таркиби, уларни эгалик қилувчанларга, фойдаланувчиларга, ижарачиларга, ер тоифаларига қараб тақсимланиши, ерларни миқдори, сифат тавсифи ва ҳўжалика қиймати тўғрисидаги зарурий маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Ер кадастри қуйдаги таркибий қисимларни ўз ичига олади: ер учаскаларига бўлган ҳуқуқларни рўйҳатга олиш: ерларни миқдорий ва сифат ҳисоби: тупроқ банитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий баҳолаш.

Давлат ер кадастрини юритиши қуйтади тамойларга асосланади: бирлик танафузлик, объективлилик, қонунийлик, кўргазлалик, марказлашган раҳбарлик.

Ер манитори-бу ер майдонларида юз берадиган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш, огоҳ қилиш ва улар оқибатларини тугатиш бўйича кузатув тизимидир. Ер-атроф муҳитнинг муҳим таркиби сифатида ўзининг кенглик, рельеф, иқлим, тупроқ қатлами, ўсимликлари, ер ости бойликлари, сувлари билан тавсифланган ҳолда уни ўрганиш масалари ягона давлат ёндашувчини талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида уни тизими ва мажмуаси тарзда олиб борилган кузатувлар асосида амалга ошириш мумкин.

6-Мавзу: Ер тузиш, мазмуни, моҳияти ва ерлардан оқилона фойдаланишни этишдаги аҳамияти

Режа:

1. Ер тузишнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти
2. Ер тузишда ҳал қилинадиган масалалар
3. Ер тузишни турлари, уларнинг ҳусусиятлари
4. Хужатлараро ер тузиш, унинг мазмуни

5. Ички ер тузиш, унинг мазмуни ва аҳамияти
6. Ер тузиш лойҳаси, унинг мазмуни

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, 19-жилд. Т. Адолат, 1998й
2. Абдуразоқов А.Т., Бобожонов А.Р., Денисов В.В. Ер тузиш асослари. Т., ТИҚХМИ 1997й
3. Бобожонов А.Р., Рўзибоев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари Т. ТИМИ, 2006й

Ер тузиш-бу давлатдаги мавжуд ер муносабатларини тартибга солиш ва ерни муҳофаза қилишга қаратилган ер қонунларини ҳаётга татдиқ қилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлаш мақсадида ердан ва ер билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйчатадбирлар тизимидир. Ер тузиш ишлаб чиқариш воситаси ҳолатидаги ерларни ташкил этиш, тузиш ижтимоий ишлаб чиқаришда муҳим аҳасмиятга эга бўлган вазифаларни бажаради ҳамда ерга эгалик қилиш, фойдалиниши билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қатнашади.

Ер тузиш асосан қуйдаги турларга бўлинади:

- 1) Узоқ муддатли ерлардан фойдаланишнинг башоратлаш:
- 2) Хўжаликлараро ер тузиш
- 3) Ички ҳўжалик ер тузиш

Ушбу ер тузиш турлари уларни ўтказиш услубий, мазмуни ва моҳияти бўйича ўзига ҳос ҳусусиятларга эга ҳамда шу билан бирга, бири иккинчисини тўлдириб туради.

Ер тузиш ишлари ўтказиш маҳсус ер тузиш лойҳалари асосида амалга оширилади. Ер тузиш турларига қараб лойҳалар ҳам қуйдагича бўлади:

- 1) Ерлардан фойдаланиш чизмалари
- 2) Хўжаликлараро ер тузиш лойҳаси
- 3) Ички ер тузиш лойҳаси

7-Мавзу. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш

Режа:

1. Қишлоқ хўжалик ерларида фойлат кўрсатадиган корхоналари.
2. Қишлоқ хўжалик ер турлари, уларнинг тавсифи ва ҳусусиятлари.
3. Суғориладиган ерлар ва улардан фойдаланиш.
4. Товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар.
5. Фермер хўжаликлари томонидан ердан фойдаланиш.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, 19-жилд. Т. Адолат, 1998й
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида» Т., 1998й
3. Бобожонов А.Р., Рўзиев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари Т.ТИМИ, 2006й

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.

Ҳайдалма ерлар, қўп йиллик дарахзорлар, яйловлар, бўз ерлар ва пичанзорлар эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ер турларига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари ичида айниқса суғориладиган ерлар иқтисодиётда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбалари билан боғланган ерлар домий ёки муваққат суғориладиган ерлардир.

Товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар қуйдагилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулоти ериштириш ва уни реализация қилишни амалга оширувчи қишлоқ хўжалигига иқтисослашган корхоналар.

-ўзига узоқ муддатга ижарага берилган ер учаскаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғунланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган фермер хўжаликлари.

-майда товар қишлоқ хўжалик билан шуғунланувчи деҳқон хўжаликлари.

-ериштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қисман реализация қилувчи ёрдамчи хўжалиklar.

8-Мавзу: Ерлардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий омиллари. Ер солиғи ва ижара ҳақи.

Режа:

- 1.Ер солиғи, унинг мазмуни ва моҳияти
- 2.Ер солиғи бўйча имтиёзлар
- 3.Ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби
- 4.Ягона ер солиғи, уни ҳисоблаш ва тўлаш

Адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т., Шарқ, 1997й
2. Бобожонов А.Р., Рўзиев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари Т.ТИМИ, 2006й

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Бу ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади. Унинг миқдори ер учаскасининг сифатига, жойлашганлигига ва суғориш суви билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солиғининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу ставкалар Молия Вазирлиги ва Солиқ Қўмитаси томонидан ҳар бир субъектга етказилади. Ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби маҳсус йўриқномаларга биноан амалга оширилади.

Товар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштурувчи корхона муссаса ва ташкилотлар 1999 йил 01 январдан ер солиғи (турли солиқлар ўқиға фақат ер солиғи қолдирилди) тўлайдилар.

Ягона ер солиғи ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби маҳсус йўриқномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимиятининг маҳаллий оргунлари томонидан ер учаскаларининг ижара олган юридик ва жисмоний шаҳслар ер солиғи ўрниға ижара ҳақи тўлайдилар. Унинг миқдори тарафларни келишувига биноан белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бири баробаридан кам ва уч баробаридан ортиқ бўлмаслиғи зарур. Ердан қишлоқ ҳўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ижара ҳақи ер солиғи ставкасининг бир баробари миқдорида бўлади.

9-Мавзу:Ерларни муҳофаза қилиш

Режа:

1. Ерларни муҳофаза қилишнинг умумий мазмуни ва моҳияти.
2. Ерларни муҳофаза қилиш бўйча тадбирлар.
3. Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий татбирлари
4. Ерларни муҳофаза қилиш бўйча иқтисодий татбирлар
- 5.Ерларни муҳофаза қилишға йўналтирилган технологик татдирлар
- 6.Ерларни муҳофаза қилиш устида давлат назорати

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, 19-жилд. Т. Адолат, 1998й
- 2.Баратов П Табиятни муҳофаза қилиш. Т.,Ўқитувчи,1991й
4. Бобожонов А.Р., Рўзибоев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари Т.ТИМИ, 2006й.

Ерларни муҳофаза қилиш-улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унмдорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ ҳўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг таркибидан ерларни асосиз равишда олиб қўйилишни олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирида ҳимоя қилишға қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, теҳнологик татбирлар тизимидир.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий татбирлари ўз ичига ерларни муҳофаза қилишға доир ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётға тадбиқ қилиш чораларини олади. Иқтисодий тадбирлар-ерларни

муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишдан манфатдорликни таъминлашни ташкил этиш ўз ичига олади.

Ерларни муҳофаза қилишнинг технологик тадбирлари ерларни муҳофаза қилиш жараёнида юқори унимдорликка эришиш имкониятини берадиган технологик жараёнларни таъминловчи усул ва услубиятларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш, чораларини ўз ичига олади.

Ерларни муҳофаза қилиш устидан назоратни маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадilar.

10-Мавзу:Ер майдонларидан фойдаланишда давлат назорати.

Режа:

- 1.Ер хусусиятидаги низомлар, уларни вужудга келиши.
- 2.Ер хусусиятидаги низомларни ҳал қилувчи ташкилотлар.
- 3.Қонунбузарлик ҳолатлари, уларни одини олиш.
- 4.Ер тўғрисидаги қонун ҳужатларни бузганлик учун жавобгарлик.

Адабиётлар.

1.Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, 19-жилд. Т. Адолат, 1998й

2. Бобожонов А.Р., Рўзиев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари Т.ТИМИ, 2006й.

3.Рустамбоев М.Х. Ер ҳуқуқи. Т.ТИМИ, 2000й.

Ер хусусиятидаги низомлар ерларни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, қайтариб олиш, чегараларни белгилаш, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоидаларини бузишдан келиб чиқади. Бу назоратлар ердан фойдаланувчилар ўртасида, улар билан давлат бошқарув органи ўртасида юзага келиши мумкин.

Ер хусусиятидаги низомлар ер тўғрисидаги қонун ҳужатларига асосан суд ва давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади. Бунда ҳар бир органнинг низомни ҳал қилиш бўйича қафолати ўз ҳудуди чегарасида аниқ белгиланган бўлиб, бу катта амалий аҳамиятга эгадир.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужатларини бузганлик учун ҳуқуқий санкциялар қўланилади. Улар ўз навбатида, мазмунига кўра ҳуқуқий, жиноий, маъмурий, тартибга қақиривчи ва мулкий қўринишларга бўлинади.

11-Мавзу:Ер ресусларидан фойдаланишни бошқаришининг назарий асослари.

Режа:

1. Ер ресусларидан фойдаланишни бошқаришининг умумий мазмуни.
2. Бозор муносабатлари шароитида ер ресусларидан фойдаланишни бошқаришининг хусусиятлари.
3. Ер муносабатларини бошқариш.
4. Ердан фойдаланишни бошқариш усулари.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, 19-жилд. Т. Адолат, 1998й.

2. Бобожонов А.Р., Рўзибоев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари Т.ТИМИ, 2006й.

Ер муносабатларини бошқариш-бу давлатнинг ва жамиятининг ер ресусларини бошқаришга мунтазам ва муайян мақсадга қаратилган таъсир кўрсатишдир. Бу таъсир кўрсатиш мамлакатнинг ер ресусларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида объектив қонунлари билишга ва уларни ҳаётга тадбиқ этишга ундайди. Ер ресусларини бошқаришнинг таркибига қуйдагилар киради: ердан фойдаланиш устидан назорат қилиш, ташкил этиш, тартибга солиш, режалаштириш.

Ер ресусларини бошқариш усулари қуйдагилар:

-ердан фойдаланиш чегарасидаги ҳудудни ташкил этишни амалга ошириш:

-ердан фойдаланиш жараёнини инженерли таъминоти:

-ер учаскасини ҳуқуқий мақомини ўрнатиш:

-ердан фойдаланишни турлари ва йўналишларини белгилаш:

-ердан фойдаланиш жарёнига самарали иқтисодий ва экологик технологияларни тадбиқ қилиш:

-ер майдонларининг мавжут табиий ва иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш:

Ер ресусларини бошқаришнинг мақсади-ердан фойдаланиш билан боғлиқ жамият эҳтиёжини янада юқори даражада қондиришга имкон берадиган ердан фойдаланишни ва ер муносабатлари тизимини шакллантириш ва яратишдан иборатдир.

III. Тартиблар томонидан мустақил равишда таёрланадиган рисолалар учун тавсия этиладиган мавзулар.

1. Ер-табиий ресус ҳамда ишлаб чиқариш воситаси.
2. Табиий ресурслар, уларнинг инсон фаолиятидаги аҳамияти.
3. Халқ хужалигида геодезиянинг тутган урни ва аҳамияти.
4. План, карталар. Уларни тузишда фойдаланиладигон геодезик асбоблар.
5. Ерни ҳалқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти.
6. Ижтимоий муносабатлар таркибида ер муносабатлари.
7. Жамиятнинг ер тузуми ҳамда унинг хусусиятлари.
8. Ер ислохоти, ер муносабатларини такомиллаштиришда унинг аҳамияти.

9.Қадимий давирда Ўзбекистондаги ер ер муносабатларини шакилланиши ва ривожланиши.

10. XIX-асрнинг иккинчи ярмида ер муносабатларида бўй берган ўзгаришлар.

11. XX-асрнинг бошларидаги ер муносабатлари.

12. Ўтган асрнинг 30-80 йилларида Ўзбекистондаги ер муносабатлари.

13. Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги ер муносабатларининг ўзига ҳос хусусиятлари.

14. Ўзбекистон Республикасининг ягона ер фонди ва ундан фойдаланиш.

15. Қишлоқ хўжалик ерлари ва улардан фойдаланиш.

16. Аҳоли пунктлари ерлари ва улардан фойдаланиш

17. Давлат ер кадастри, унинг мазмуни, турлари ва ҳужжатлари.

18. Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари ва юритиш.

19. Ер майдонларидан оқилона ва самаали фойдаланишда давлат ер кадастрининг аҳамияти.

20. Ер мониторинги, мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.

21. Ер тузиш, мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.

22. Ер тузиш турлари ва қуринишлари.

23. Ер тузиш жараёни ва ер тузиш лойиҳаси.

24. Фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланиш.

25. Ер солиғи, унинг мазмуни, моҳияти ва ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда унинг роли.

26. Ягона ер солиғи, унинг мазмуни ва аҳамияти.

27. Ижара ҳақи, унинг мазмуни ва аҳамияти.

28. Ерларни муҳофаза қилиш, унинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.

29. Ер майдонларини эрозиядан муҳофаза қилиш тадбирлари.

30. Суғориладиган ерлар ва улардан фойдаланиш.

31. Ерларни муҳофаза қилиш устидан назорат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси (асосий қонун). Т., Ўзбекистон, 1992

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Т., Шарқ, 1997

3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд. Т., Адолат, 1998

4. Абдуразақов А.Т., Бобожонов А.Р., Денисов В.В., Ер тузиш асослари. Т., ТИҚҲМИИ, 1997

5. Аvezбоев С. А, Балков С.Н, Ер тузиш ва лойиҳалаш Т. Янги аср авлоди, 2004

6. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. Т., Ўқитувчи, 1991

- 7.Бобожонов А.Р., Рўзибоев С.Б., Абдурахмонова И.К. Ердан фойдаланиш асослари Т.ТИМИ, 2006й.
- 8.Назирова. А.Н Геодезия Т. Укитувчи, 1984.
9. Нурматов Э.Х, Утанов У. Геодезия Т. Узбекистон, 2003

Мундарижа

Кириш.....	3
1. «Ердан фойдаланиш асослари» фанидан семинар машхулотларини утказиш услубиятининг умумий масалалари	4
1. Семинар машѓулотларининг мавзулари.....	5-21
2. Рисола учун тавсия этиладиган мавзулар.....	21-22

Бобожонов А. Р – доцент
Рўзибоев С. Б-ассистент
Абдурахманова И.К-кат.ўқит.

**«Ердан фойдаланиш асослари» фанидан амалий машғулотларни ўтказиш
учун**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир: Рахимова К.Н.

Ќоғоз формати 60x84 1/16 Буюртма № Тираж
Тошкент, ТИМИ, Ќори-Ниёзий кўчаси 39 уй
